



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 1-oktabr / № 40 (4647)

## ЎЗБЕКИСТОН ҲИТОВУЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

ЭХТИРОМ

### Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Қадри фахрийлар!

Авалло, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонқуяр ходимларини умумхалқ байрами — Ҳитовучи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуғ айёмда сиз, заҳматқаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиб, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиб йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуг инсонларсиз. Бу улкан бойлик — ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос — яхши тарбиядир. Шу боис бугун сизларнинг шаънинизга билдираётган олижаноб истакларимиз, таъзим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этгайсиз.

### Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етувчи қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз таълим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш бо-

расида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Охириги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 қарра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан

ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

### Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўяётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардош бўлиш учун халқимизни, авваломбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижаларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси — фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепциясини** ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

### Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган **Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз**. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Киприк билан китобдан дурлар терган устозлар, Тафаккури шаъм каби ёниб турган устозлар. Ўзбекистоннинг янги келажагин яратар Буюк алломаларга таълим берган устозлар.

Замон келиб миллатим давру даврон сурган давр, Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган давр. Янги уйғониш даврин пойдевори қурилди Янги Ўзбекистоннинг бахти кулиб турган давр.

Шу халқнинг, шу миллатнинг бахтин тилар устозлар, Кўёш каби нур сочиб фидо бўлар устозлар. Учинчи Ренессанс деб, Учинчи Ренессанс деб — Шогирдлар камоли деб меҳнат қилар устозлар.

Менинг Она Ватаним тараққиёт бўстони, Халқим тафаккурида илму маърифат қони. Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбеклар туғилар Илму фан, ижод ила забт этамиз дунёни!

Рустам МУСУРМОН

## ХАЛҚАРО КИНО АНЖУМАНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

"Ипак йўли дурдонаси" номли Тошкент халқаро кинофестивали уч кунлиқ ўз ишини давом эттирмоқда. Фестиваль мундарижаси ниҳоятда ранг-баранг. Кўпчиликини қизиқтираётган "Кино 5 кунда" лойиҳаси, фестивалга ташриф буюрган кўлаб давлатлар ҳамда юртимиз киноижодкорлари томонидан намойиш этилаётган янги бадиий ва ҳужжатли фильмлар тақдими, таниқли актёрлар томонидан ўтказилаётган маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, жаҳон кино юлдузла-



ри, машҳур режиссёр ва продюсерлар иштирокида матбуот анжуманлари қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлмоқда. Юртимизнинг турли кинотеатрларида ўтаётган фестивал доирасидаги чет давлатларнинг кино кунлари томошабинлар билан гавжум. Бир неча шаҳарларда янги кинотеатрлар томошабинлар учун эшикларини кенг очибга тайёр турибди.

Кунини кеча бўлиб ўтган "Марказий Осиё мамлакатлари киноси" номли конференция, шунингдек, ёшлар фильмлари намойиши нафақат мутахассислар, балки барча анжуман қатнашчилари ва ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур халқаро анжуман ҳали давом этади. Демак, мухлисларни янги тадбирлар, учрашувлар кутмоқда. Жумладан, Бутуниттифоқ давлат кинематография институтининг битирувчилари ва кино ижодкорлар иштирокида ўтайдиган конференция кўпчилиқда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Ўзбекистонда ушбу институт филиалининг очилиши эса юртимиз кино санъати ривожини йўлида катта қадам бўлишига ишонамиз.

Ўзбек кинематографияси тарихига бағишланган матбуот анжумани ҳамда "Ўзбекистон кино санъати" китоб-альбомининг тақдими, жаҳон кино архивларида сақланган ўзбек фильмларининг юртимизга қайтарилишига бағишланган тадбир ҳамда Ўзбекистон миллий кино фонди биносининг очилиши халқимиз, ўзбек миллий кино тарихида катта воқеа бўлади.

3 октябрда давом этайдиган Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланиши, шубҳасиз, ўзбек миллий киносининг келгусидаги ривожланиш жараёнларини, турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, кино ижодкорлари, хусусан, ёш киночилар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

## 1 октябрь — Ҳитовучи ва мураббийлар кунин


Кўп йиллик педагогик тажрибамдан билдимки, ўқитувчи ҳар қанча билимга эга бўлмасин, барибир, ўқувчига ўз устида ишлашни ўргата билиши, уни фанга қизиқтира олиши минг чандон фойдалидир. Таълим тизими ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: ҳар қанча маблағ сарфланиб, шароитлар яхшиланмасин, малакали мутахассисларсиз бирор натижага эришиш қийин. Маърифатпарвар зотларнинг юксак интеллектуал салоҳияти билан эса бутун мамлакат тараққиётини тубдан ўзгартириш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг юксалишга юз тутган Германия, Япониядек ривожланган давлатларнинг бугунги қиёфаси фикримизга далил.

## «МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ ҚАНИЙДИ»

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида қайта-қайта ислохотлар амалга оширилгани бежиз эмас, албатта. Ўтган давр мобайнида соҳага оид юзлаб дастурлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, қонунлар ишлаб чиқилди. Аммо бу борада амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмаслиги кейинги беш йилда маълум бўлиб қолди. Хусусан, халқ таълими тизимига оид қонунчиликда, институционал ривожланишда, мактаб ёшидаги болаларга замон талабларига мос таълим-тарбия беришда айрим бўшлиқ ва камчиликлар борлиги яққол кўринди. Жумладан, мактаблар фаолиятини ташкил этишда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш ҳамда мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш талаб даражасида эмасди. Юқлатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг етишмаслиги ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир қилаётганди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари умумтаълим муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил қилмасдан, фақат статистик ва бошқа маълумотларни тўплаш билан чегаралангани жойлардаги ҳаққоний ҳолатни аниқлашга тўсқинлик қилгани ҳам бор гап. 2019 йил 29 апрель кунин мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент фармони ислохотларни янги босқичга кўтарди. Мазкур фармонга биноан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш,

ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тасдиқланди.

тиш методикасини такомиллаштириб, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини татбиқ этаямиз.



Суратда: Юнусобод туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наргиза Хуррамова.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

# КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ



санъат ҳамда маънавият ва маърифат алоҳида аҳамият касб этади. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий

дарслиқларига киритилган, адабиётшунослар унинг ижодий фаолияти борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Помуқ шаҳарчасида ташкил этилган фестивал доирасида ўзбек ва туркман адабиёти муштараклиги, адабий аъёнларнинг ўхшашлиги яна бир бор тилга олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" тўплами Жумадурди Акиев таржимасида туркман тилида чоп этилди. Тадбир давомида мазкур тўпламнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўроз Ҳайдаров, таржимон Жумадурди Акиев, ижодкорлар – Жумакул Курбанов, Нилуфар Умарова, адабиётшунос Абдунаби Абдиев ўзбек ва туркман адабий алоқаларини янада кучайтириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан дўстлик ва яқин қўшничилик ришталарини мустаҳкам тутиб, ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлаш асосида ёнма-ён ҳамжihatликда яшаб келмоқда. Икки халқнинг яхши қўшничилик муносабатлари асрлар давомида синовдан ўтганига тарих шохид. Айниқса, икки давлат ҳам мустақилликка эришгач, дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланди, сиёсий, савдо-иқтисодий алоқалар ривожланди, стратегик ҳамкорлик даражаси янада ошди.

Вилоятимизнинг Миришкор туманида жойлашган, аҳолисининг катта қисми туркман миллатига мансуб Помуқ шаҳарчасида турли миллат вакиллари иштирокида ўтган "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остидаги фестивал ҳам юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Турсинхон Худойбергенов, Туркманistonнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Язгули Мамедов ва Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларида маданий мерос, яъни адабиёт,

Суратда: Помуқлик хувармандлар.

**Азизбек НОРОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Қашқадарё вилояти бўлими  
мутахассиси

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

**Митхун ЧАКРАБОРТИ, киноактёр (Ҳиндистон):**  
— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида азалдан яқин дўстлик ришталари бўлган. Фақат кинода эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам давом этиб келаётган ҳамкорлик мени жуда қувонтиради. Тошкент аэропортининг ўзидаёқ Ўзбекистондаги бекиёс ўзгаришларни ҳис қилдим. Пойтахтнинг янада чирой очиб, ривожланиб бораётгани яққол кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари ҳам фусункор, лекин мен учун Тошкент ҳаммасидан сеvimли. Юртингизда халқаро кинофестиваль тиклангани жуда муҳим воқеа. Бундай халқаро тадбирлар ҳар қандай

ниҳоятда қадрли. Бобом бир вақтлар Алишер Навоий номидаги катта театрда мусиқачи бўлиб ишлаган. Хозир ҳам Бухорода кўп яқинларимиз бор. Ўзбекистон ва бу ерда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гаплашиб тураман.

Фаолиятимнинг яна бир қирраси юртингиз билан боғлиқ. Гап шундаки, мен юртимизнинг Ўзбекистондаги туризм элчисиман. Бу борада ишларим ҳақидаги илиқ фикрларни, эътирофларни эшитиб, хурсанд бўлдим.

Мен билан бирга исроиллик бошқа ижодкорлар қатори укам Ронен Давидов ҳам келган. Биз фестивалга бухоролик яҳудийларнинг Исроилдаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фильми олиб келганмиз. Албатта, то-

## ХАЛҚАРО КИНО АНЖУМАНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



мошабинлар ва фестивал иштирокчиларининг ушбу фильм ҳақидаги фикрлари биз учун муҳим. Фестивалда қатнашаётган барча ҳамкасбларимга, мухлисларга яхши кайфият тилайман.

**Хусайн ЎЗДЕН, сценарийчи ва продюсер (Туркия):**

— Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Дастлаб Алишер Навоий ҳақида ҳужжатли фильмини суратга олиш мақсадида келганман. Очигини айтсам, Навоий ҳақидаги фильмга қўл урмасимдан олдин Ўзбекистоннинг бу қадар муҳташам юрт эканлигини билмагандим. Келганимдан сўнг бу қадимий юртни, улугвор дёрнин, унинг бебаҳо маданиятини ўзим учун кашф этдим. Тошкент, Самарқанд, Бухорони кўрмагунча Ўзбекистоннинг бекиёс маданий бойлиқларини ҳис этиш мушкул. Фақат Ўзбекистонга хос бўлган сирли муҳит бошқа ҳеч қаерда йўқ. Буюк тарихга эга бўлган қадимий юртда эканимдан хурсандман.

Кинофестивалда Алишер Навоий ҳақидаги "Туркнинг улуг чинори" номи ҳужжатли фильмининг тақдим қилоқчиман. Ушбу фильмин суратга олиш жараёнида туркий тиллар султонига руҳан боғландим. Навоий асарларида инсон асосий мазсу эканини чуқур ҳис қилдим. Фильмин суратга олишда ёрдам берган барча ўзбек олимларига миннатдорлик билдираман.

Гулчеҳра УМАРОВА Ёзиб олди.

давлатнинг нуфузини кўтаради. Чунки дунёнинг турли жойларидан кўплаб юлдузлар келади ва уларнинг ҳар бири ўз юртига бориб, бу ерда бўлиб ўтган воқеалар таассуротлари, хотиралари ҳақида сўзлаб беради. Шубҳасиз, бу одамларнинг қизиқишини ортттиради, давлатнинг номи дилларда қолади.

Мен кўплаб ўзбек киноижодкорларини биламан. Ўзбек фильмлари дунёга чиқишини хоҳлайман. Бунинг учун дунё киноижодкорлари билан ҳамкорликни кучайтириш, кино саноатини янада ривожлантириш лозим.

**Хай ДАВИДОВ, актёр, режиссёр, продюсер (Исроил):**

— Йигирма тўрт йилдан сўнг тикланган Тошкент халқаро кинофестивалида қатнашаётганимдан хурсандман. Ўзбекистон, айниқса, Бухоро биз учун

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Мактабимиз туманда халқаро тадқиқотлар бўйича таянч мактаб бўлганлиги сабабли, педагогларимиздан мураббийлар танлаб олинди, тумандаги 54та умумтаълим мактаби ўқитувчиларига амалий ва назарий маълумотлар бериб келинмоқда. — дейди мактаб директори Дилрабо Раджабова. — Амалий машғулотлар халқаро тадқиқотларда ўқувчилардан олинган машғулот материаллари асосида олиб бориламоқда. Шунингдек, мактабимизда Халқ таълими вазирининг 2021 йил 22



мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ортиқча куч, маблағ ва вақт талаб қиладиган ўнлаб иш ҳужжатлари бекор қилинди. Ҳатто синф журналлари ҳам электрон шаклга кирди. "Кундалик ком"га уланган ота-оналар бугун ўз фарзандларининг баҳоларини қўл телефони орқали кузатиб бориш имконига эга.

Таъкидлаш жоизки, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳалар-

муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳали талай ишлар қилиниши лозим.

Термиз давлат университети, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ҳамда бошқа малака ошириш институтлари билан ўзаро ҳамкорлик профессионал ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқ ҳудудий муаммоларнинг ечимини ҳисобланади. Олий ўқув юртиларига кириш имтиҳонлари шафқофлигини таъминлаш ва соҳадаги коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг қўлланиси ҳам таълим-тарбия сифатининг ошишига хизмат қиладди. Йилдан йилга олий ўқув юртига қираётган битирувчиларимиз сони ортиб бормоқда. Бу йил 20 нафар битирувчимиз олийгоҳларга қабул қилинди

## «МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ ҚАНИЙДИ»

июндаги "Умумий ўрта таълим муассасаларида 2021 – 2022 ўқув йилига мўлжалланган вариатив ўқув режаларни жорий этиш тўғрисида"ги 188-сонли буйруғига мувофиқ 8-синф ўқувчиларидан филология йўналишида вариатив синф ташкил этилди. Ушбу синфда олий тоифали, тажрибали педагоглар дарс ўтади. Битирувчиларини олий таълим муассасаларига қамраб олиш учун ўқувчиларнинг талаб-истаклари асосида ташкил этилган тўғарақларда ҳам тажрибали ўқитувчилар машғул олди бормоқда.

Сир эмас, илгари математика, физика, кимё, инглиз ва рус тили фанлари ўқитувчиларининг аксарияти кекса авлод вакиллари бўлиб, ёш мутахассислар кам эди. Борлари ҳам ортиқча қоғозбозлигу маошининг камлигидан, бунинг устига, ўқитувчиларнинг муттасил ўз соҳасига тааллуқли бўлмаган турли оммавий тадбирлару ҳашарларга жалб қилинишидан безиб, мактабларда ишлашни истамас эди. Шу боис, авваламбор, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш

нинг таълим тизимида жорий этилиши муайян қўлайликлар билан бирга мураккаблиқларни, хусусан, ҳар бир синфни интернет тармоғига уланган компьютер технологиялари билан жиҳозлашдек маблағ билан боғлиқ муаммоларни ҳам юзага келтирди. Ўқувчиларнинг олган баҳоларини дарс вақтидаёқ электрон журналда қайд этиб бориш учун эса ўқитувчидан махсус технологик билим талаб қилинади. Давлат таълим хизматларини кўрсатиш, умумтаълим муассасаларини бошқариш, ишларни режалаштириш ва ташкил этиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси пастлиги нафақат ўқувчилар билимларини электрон шаклда баҳолаш, ҳатто қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ушбу жараёни тезкор кузатиб бориш имконини ҳам чеклаб қўймоқда. Қўринадик, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда таълим

ва бу давлат тест синовлари шафқофлиги таъминланишининг натижасидир.

Шундай кезлар бўлдики, математика фани дарслиқларидаги нуқсонлар ва ўқувчилар ёшига мос бўлмаган жиҳатларини таҳлил қилиб, назария ва амалиёт мутаносиблигини таъминлаш мақсадида мактабимиз тажриба майдонига айлантирилди. Тақлиф ва тавсияларимиз инobatта олинди, хизматларимиз муносиб кадрланди: "Меҳнат шухрати", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони билан тақдирландим.

Бугун сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов "Муаллим десалар мени қанийди" деб оруз қилган касб эгаси эканлигимдан фخرланаман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан муборакбод этаман.

**Мамаюсуф ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган халқ таълими  
ходими

Ёзувчилар уюшмасида республикамизда фаолият юритаётган мактаб ўқитувчилари ўртасида "Ижодкор ўқитувчи – 2021" анжумани бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 29 нафар ижодкор ўқитувчи қатнашди.

Куннинг биринчи ярмида ўқитувчилар Адиллар хиёбонига бўлиб, устоз ижодкорларни ёдга олишди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид устоз-мураббийларни касб байрами билан муборакбод этди. Шоирлар Рустам Мусурмон ҳамда Зулфия Муминова анжуман иштирокчиларига янги шеърларидан ўқиб беришди.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида "Истеъдод эгалари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги муносабати билан беш муҳим ташаббус доирасида ўтказилган бу танловда 17 ёшдан 17 ёшгача бўлган, жисмоний имконияти чекланган ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 50 нафарга яқин ёш эстрада, аънавий ва опера хонадаллиги, чолу ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва адабиёт йўналишларида қобилиятларини намойён этишди.

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Пойтахтнинг "Халқлар дўстлиги" майдони томонидан Чилонзорга бораверишда, Оқтепа канал буйида халқ орасида "Хлебушкина" номи билан машҳур 22-сонли Меҳрибонлик уйи жойлашган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид бошчилигида ушбу масканга бордик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зулфия Муминова сўзи билан айтиладиган "Болалар кутубхонаси" қўшиғи билан очилган маънавий-маърифий тадбир кўтаринки кайфиятда бошланди.

— Мана шу анҳорнинг нариги томонида ёзувчи-шоирларимизнинг уйи жойлашган, — деди Сирожиiddин Саййид

Бу каби анжуманлар ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ошириш ва тажриба алмашишларида, қолаверса, уларнинг адабий жараёнга чуқурроқ кириб боришида катта аҳамиятга эга, — дейди уюшма бўлим бошлиғи Маъмура Зоҳидова. — Келгусида республика миқёсида ўқитувчиларнинг ижод намуналарини жамлаб, нашр этишни режалаштирганмиз.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман наср ва назм йўналишидаги шеърларда ўз ишини давом эттирди. Таниқли адиб ва шоирлар томонидан маҳорат дарслари ўтилди. Ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўриб чиқилиб, керакли тавсиялар берилди. Таълим тизимида фаолият юритаётган 9 нафар ижодкор ўқитувчи ва 3 нафар анжуман қатнашчиси уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Пушкин номидаги вилоят ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтган саралаш босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан барча иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўриб чиқилди ва номинациялар бўйича 8 нафар ёш ижодкор ғолиб деб топилди. Самарқанд давлат университети талабаси Фарида Абдуллаева танловнинг адабиёт йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди. Танлов иштирокчилари ва ғолибларига Маданият вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Бу каби учрашувлар эндигина ижод оламига қадам қўяётган биздек ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди, — дейди ижод мактаби ўқувчиси Акмал Абдурахмонов.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**  
ахборот хизмати

дин Саййид Ёзувчилар уюшмаси аъзолари яшаётган кўпқаватли уйлар томонни кўрсатиб. — Насиб этса, борди-келдни яқинлаштирамиз. Сизларга дарс ўтамиз, сизлар билан суҳбатлашамиз. Адиллар хиёбонига борасизлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейини кўрасизлар. Сизларни Самарқанд, Бухорога олиб бораемиз.

Шоир Рустам Мусурмон ва Ориф Тўхташ ўз шеърларидан ўқиб берди.

Тадбир сўнггида Меҳрибонлик уйи болаларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган 120 номдаги беш юзта китоб совға қилинди.

Фозил ФАРҲОД

Азиз САИД

ЮЛДУЗЛАРГА ТЕРМУЛДИ ХАЁЛ



БИРИНЧИ ҲИТОВЧИЛАРИМ

«Саломат бормисиз?» Ҳайрон қолди сўзим, Танимаганидан Ҳайрон қолди сўзим, Танимаганидан Ҳайрон қолди сўзим...

Қишлоғимни кезаман, Ана илк қувончим, Ҳаётимга айланган малак...

Таний олмади, Тан олмади Мени Яна Биринчи ҳитовчим...

Бу йўл Интиҳоси ва ибтидосини ҳеч ким билмайдиган балиқлари сўқир дарё...

Бу йўл Дарахтлар ва майсаларни эмас, уларнинг илдизларини ё тебратадиган шамол...

Бу йўл дунёдаги жами чегара ва дарвозалар қаланган алангаси оппоқ олов...

Бу йўл нигоҳларни экиб нигоҳлар билан суғорганда атиргул унадиган тупроқ...

Китобни очамиз - балиқнинг кўзидан ясаб тегирмон, бу йўлнинг сўнгига мудраган, қарри тошларни ун қилиб...

Китобни очамиз - саҳрода йўллардан барханлар ясаб, юракдан кўр олиб кетган қарвонни тўсмаган шамолни бурдалаб кесиб...

Китобни очамиз - дарахтнинг танида музлаган кўёшнинг нурларини ялаб тилида жарликлар расмини чизган оловни сув қилиб берамиз чақалоқларга...

Китобни очамиз - чувалчанг ичида йиғлаб намиққан тупроқни ҳўплаган сўқир балиқнинг кўзлари очилиб куйласа қўшиқ, муҳаббат берамиз чақалоқларга...

Бу йўлда улғайган одамзод бир кун топади кўмилган сирли сандиқни, сандиқнинг ичида оппоқ бир илон, илоннинг ичида сеҳрли узук, узукнинг кўзиде дил ҳамда имон...

Бу йўлда улғайган одамзод бир кун боради зинаси нурли қасрга, қасрнинг ичида муқаддас бир тахт, тахтда ўлтиради улғу донишманд, донишманд кўлида очик бир китоб, китобда аёндыр эрк ва ҳақиқат...

Бу йўлда улғайган одамзод бир кун этади кўёшнинг қароргоҳига, кўёшдан таралар мунаввар нурлар, нурларнинг сўнгига илоҳий сурат, суратдан танирган ўзин одамзод юракдан келади тилига садо мен худо, мен худо, мен худо!

Кеча йиғлар, қаро сочига Қадаб синган ой - тароғини, Шамол секин ўрмалаб сувдан Судраб чиқар бўш чаноғини:

- Дили қани Бедилнинг?

Қушнинг бўм-бўш уясин дарахт Туни билан чиқар пайпаслаб, Капалаклар тоғни уйғотиб, Саҳроларга кетади бошлаб:

- Дили қани Бедилнинг?

Чумолилар учар фалакка - Нигоҳларин пуфлар кўзлари. Юлдуз тушар ҳовуз тубига - Балиқларга айтар сўзларин:

- Дили қани Бедилнинг?

Тошбақалар мисқол-мисқоллаб Ўлчаб берар бахт ҳамда алам. Қарға тақдир тошини қирар - Тумшугида қадимий қалам:

- Дили қани Бедилнинг?

Шафақ аста йиртилиб оқар - Бир кўза сут бийдай саҳрога. Қарвон жилар, кўнғироқ йиғлар - Савол бериб гумроҳ дунёга:

- Дили қани Бедилнинг?

Дединг: сева оласанми ўзингдан кечиб, Чаён еган бўлса юрагим нишлаб? Жоним симиллатиб келди ҳуққабоз, «Ё ишқдан» иргитди кўзим тарашлаб, Сева оладурман нурдан-да кечиб.

Дединг: сева оласанми ўзингдан кечиб, Мен илон изидан адашган бўлсам? Томирим кесди ой - қулди чувалчанг, Балиқча едирди фақат бир тишлам.

Сева оладурман тундан-да кечиб.

Дединг: сева оласанми ўзингдан кечиб, Алдаган бўлсам гар ҳатто эртакни? Юлдуз хато ёнди, кемамиз чўқди, Барибир куйладик қирқта қароқчи.

Сева оладурман йўлдан-да кечиб. Дединг: сева оласанми ўзингдан кечиб, Мангуга тушдайн бўлсам гар гоийб? Тасаввур чархфалак қосаларига Ёдингни қуяркан умримни соғиб.

Сева оладурман сендан-да кечиб.

\*\*\*

Эй саргардон руҳ, Яна мағлубсан Омонат матодан тикилган Омонат либосинг титилган маҳал

Қанотинг йиғиштир, бу - қуз девори Ортага қайтолмайсан Баҳор осмонида сенсиз бахтиёр Қушга етолмайсан

Рангсиз ниналарин қирларга тўкиб Ёмғирлар тўқиган яшил гиламда Суратин хаёллар чизган қуш Сеники эмас

Қанотлари силаган майсалар йиғлаб Ойга айтиб берган сирли қиссалар Сеники эмас

Шаббода тебратган ҳар бир лоладан Тунлари қосалаб тўқилган тушлар Сеники эмас

Ана шомнинг қонли тиллари Супуриб қўймоқда Борар йўлингни Ана фурсат чакиллаётир Дарз кетган гумбаздан Туттил қўлингни

Эй шамол, Ҳайда аробангни Туёғини дашт ювган отларингни қўш Сувга чўкиб кетган мағлуб руҳни ҳам Аробангга ол

Тез ҳайда Қулоғи зшитмай қолсин Кимнидир чорлаган қушнинг овозин

Тез ҳайда Тез ҳайда Тез ҳайда

Эй-й-й до-о-о-д Аробанг бузукми жилмас жойидан.

\*\*\*

Абдували, руҳимнинг ярми Тур ўрингдан Ургут тоғларини кўпориб тургил Гулдираб келгил Ҳайқириб келгил Уввос тортиб кел

Дўстинг ишқ жангоҳида бир ўзи қолди, Қўлида қиличи ярмиси синган. Ёлғону хиёнат лашкари лак-лак, Дўстингда мадор йўқ, кўзлари тинган.

Турибман бўлиниб минг бир бўлакка, Овозим йўқолган, соям йўқолган. Фақат юрагимни суғуриб ўзим Бош узра кўтардим, қўлларим толган.

Сен билан, муҳаббат келсайди, девдик, Кишану занжирин солсайди, девдик, Маккаю Мадина элтсайди, девдик, Қонимиз йўл узра тўқсайди, девдик.

Мана бу Макка, мана Мадина, Қарвоним дилўғри агёр қуршаган. Етиб бормаслигим аниқ энди, дўст, Энди тушларимга олов тўшалган...

Абдували, руҳимнинг ярми Тур ўрингдан Мададга келгил Ҳасратга келгил Йиғлашга келгил

\*\*\*

Сен денгизга борайлик дединг, - Кўзларига чўкким келяпти. Елканларин кўтарди хаёл...

Сен тоғларга борайлик дединг, - Осмонларни ичгим келяпти. Қанотларин силкиди хаёл...

Юр ёшликка борайлик дединг, - Узоқларга кетгим келяпти. Кўзларингни рашк қилди хаёл...

Самарқандга борайлик дединг, - Эртаклари аллалар бизни. Юлдузларга термулди хаёл...

Бухорога борайлик дединг, - Миноралар никоҳлар бизни. Кафтларингда сув ичди хаёл...

Хаёл Хаёл Энди сен ҳам йўқ...

КУЗДА СЕНИ ЙЎҚЛАБ...

Қари тун сув солиб тоғораларга Тилсимли сўзларни ўқийверади. Шамол ечтинтириб мажнунтолларни Баргидан зар гилам тўқийверади.

Биз қалқиб чиқамиз сувдан, илонлар - Куршаган тақдирлар - тўқинлар билан. Тун айтар соялар - девларин чорлаб: Дилларин ўғирлаб қилинг занжирбанд.

Шишагар ой тоблаб ўтга чиннисин, Синдириб сепади сувнинг бетига. Бизларни яширар муҳаббатдан маст Капалак илоҳий горнинг ичига.

Ҳув шамол ҳув-ҳулаб чорлайверади Тилларанг япроқдан пўпақлар тишлаб. Зар гилам ҳавода, парвоз қиламиз Тўннинг гуноҳхори - юракни ушлаб.

ҲОТАМ

- Бўри, нима қиласан кийикни ушлаб! - Мен очман. - Қара, елини тирсиллаб турибди! - Мен очман. - Унинг болалари кутаётгандир! - Мен очман. - Сенинг болаларинг йўқми?! - Улар ҳам оч. - Сен мени еяқол бўлмасан! - Нега кўзларингда ёш? Йиғлаган одамни ея олмайман. - Мен очман. - Сенинг болаларинг йўқми? - Улар ҳам оч. - Сен мени еяқол бўлмасан

Одам! \*\*\*

Бўрининг бўғзидан. Олди.

БЕШ КҮН

Уч-тўртта қузғуну битта ўлакса, Томоша беради беш кундан бўён. Ким гулхан ёқади, кимдир сангарош, Кимнингдир кафти қон, ким айтар азон, Томошабин йўқ.

Беш кундир тинмайди масту аластик, Қулади, йиғлайди, ёлғонми ростлик. Беш кундир кўр уста суяк жамлайди - Терсам бас, йиғсам бас битта қафаслик, Томошабин йўқ.

Беш кундир арранинг овози тинмас, Беш кундир тутатқи излар чироқчи, Беш кундир бармоғин санар саноқчи, Беш кундир қарвонни пойлар қароқчи, Томошабин йўқ.

Беш кундир ойнасиз гардиш қўлимда, Ёлғончи қуръатош ўнгу сўлимда, Қирқ тугун риштамдан дор ҳам тикилган, Ҳазина кўрмаган илон бўйнимда, Томошабин йўқ.

ТОПИШМОҚ

- Қоронғи уй, тўрт бурчиде тўрт мушук, Тўртови ҳам қоп-қора?

- Бўлса эди, тўрт бурчиде тўрт кучук, Топар эдим эй оға, Топишмоғинг топмадим.

- Пайпаслаб кўр, юнглари майин-майин, Силасанг хуриллайди.

- Ушладим ниманидир, мана дум, мана бўйин, Силасам ириллайди, Топишмоғинг топмадим.

- Панжасини кўтарсанг, юмилган тирноғи бор, Қармоққа сал менгзайди.

- Қўлимдан қон оқмоқда, топишмоғинг қурисин, Бу одамга ўхшайди... - Буни сен тополмадинг, Қиссани ёполмадинг...

ХАЙР, АПРЕЛЬ...

Эй апрель, чорла бугун ёлғон базмига Жинларинг, ёсуман, алвастиларинг, Жаллоду иблису аласчиларинг, Кўзбойлоқ, тузоқчи, қафасчиларинг...

Юлдузларни ўйиб осмон нақшидан Ёсуман, ўрнига кўзларим қоқсин. Алвасти кўёшни чалсин дойрадай, Тунни қунаг ювиб чимилдиқ тақсин.

Эй апрель, ёлғоннинг тўйини қиздир, Кўзбойлоқ, денгизни келтирсин алдаб. Ҳовучлаб тўлдирсин қирқта қозонга Ўчоққа ўт ёқсин суягим қалаб.

Эчкилар маърашин тўёна учун Жинларинг қирлардан тушсин елкалаб. Қалдирғоч тушларин аврасин шамол, Баҳорим пойига тўқсин эркалаб.

Эй апрель, тўй қилсанг тўйдай бўлсин-да, Ойнинг қошларини терсин аласчи. Нурига юрагим қонларини сурт, Кўйлак тикиб берсин унга атласчи.

Сочининг ҳидини жингалаб қилсин, Қафасчи, бошига тақсин тиллақош. Лабига исминини ёзсин қонатмай, Тақдир сурат чизсин, тирноқ битиктош.

Эй апрель, шайтон ҳам рақс тушсин майли, Ой чорлаб ҳомила қилсин қўшиқдан. Жаллодинг болтасин чалсин рубобдай, Бехато зарб урсин, бўйини қошиқдай.

Ой шодон йўл олсин янги маконга, Базминини тугатгин, лашкаринг қаҳир. Очик кўзларини тикишдан аввал Ҳаммаси ёлғон де, ёлғон деб бақир.

Эй апрель... Эҳ апрель... Хайр, апрель...

Афсус, меники эмас-да осмон. Меники эмас-да тўрт тараф - қибла. Ойнинг ҳўжаси эмасман.

Кимгадир қарашли кўёш ҳам. Оппоқ каптарнинг қанотин Мендан олдин кимдир силаган. Шўрлик бахтни ҳам мен келмасимдан Кимдир кимгадир тилаган.

Афсус, меники эмас-да кундуз ҳам, Кутиб олганимни уни соялар. Меники эмас-да сўзлар ҳам, Ҳаммасининг шафқатсиз эгалари бор...

Мен... Болалигимни совға қилмоқчи эдим, Унинг ҳам эгаси тикилди Кўзингдан

Сенинг болалигинг...

Неки тутсам қўлимда бир сароб бўлди, Неки десам ул сароб бир жавоб бўлди, Неки кўрсам кўзимга бир азоб бўлди,

Эй Худоё, бу ўйиндан не нашъу намo бўлди?

Дил берганим дили мандан қочаро, Қўл берганим тишлаб узиб отаро, Йўл берганим йўлда мени сотаро,

Эй Худоё, бу ўйиндан не нашъу намo бўлди?

Либос кийдим, таним урён қолаверди, Сукут қилдим, дилим бийрон қолаверди, Сенга юрдим, йўлим гирён қолаверди,

Эй Худоё, бу ўйиндан не нашъу намo бўлди?

Ўктам МИРЗАЁР



МЕХУР

Ёқуб Дархоннинг хонадони торғина. Ётоқхонасини ўзига мослаб олган, ижодхона деб бўлмайдик ҳар ҳолда бир бурчагидаги китоб жавониде йиғналари бор. Анчагина. Ҳар кунни ана шу кунжақда нима биландир банд бўлади. Ҳафта давомиде кўлига тушган газета-журналларни шанба кунлари титқилайди, даярли ҳижжалаб ўқийди.

Шу одати яхши. Бугун ҳам газеталардан бирининг ўтган ҳафтадаги сонини олди. Аввал ҳам ўқиганига қарамай яна варақлади. Уақонларидан бирининг ҳижоиси чоп этилибди. Шунга қайта ўқиди. Отасидан қолган боғни талашган ўғиллар ҳақида экан. Мавзу эскироқ, Аммо ёндашуви самимий. Кўнгила яқин нуқталарни толган.

Ёқуб Дархон ҳижоядаги ит қибфасини кўз олдига келтирди. Эгаси оламдан ўтганда қабристонгача кузатиб борган жониворлар ҳақида кўп ёзишган. Аммо шу итти қайдадир кўргандай. Ранги, бўйинини осилтириб юришлари таниш.

Шу дам Ёқуб Дархон ўзининг ҳам шундай вафодор ити бўлишини истаб қолди. Йўқ, йўқ, ўлиб-негиб қолса, ортидан қабрига бориб этиб олиши учун эмас, ҳаммага майна бўлиб, итга дардини айтиш учун ҳаммас, шунчаки, дўст тутингиси келди. Шунчаки, меҳр. Ит меҳр кўрсатганга хиёнат қилмайди, дейишди.

У анчадан бери қолбаса емай қўйган эди. Уйга ҳам олиб келтирмайди. Аммо буни келинига тушунтиришга йиманади. Хотинига бир-икки марта айтди, нафс курсин, гоҳ-гоҳ ҳар турлиси дастурхонда пайдо бўлиб қолади. Бугун ҳам нонушта пайти келини дудланган қолбасани чиройли паррақлаб, дастурхонга қўйибди. У татинмадию калласига келган фикрдан қувониб кетди. Ҳамма тарқалган, стол устидаги салбетгадан (у кишим салфеткани шундай атайди), сал бетга тегса йиртилиб кетаркан, ўзимизнинг сўз эмиш) олиб, қолбасалардан уч-тўрт булагини уради, кафтида сиққанича хизматга отланди. Аниқ билади: бугун ҳам кўшниси Дамирбойнинг Тўрткўзи думини ликиллатиб, унга қараб турган бўлади.

Тўрткўз жуда чиройли ит. Аммо шу Дамир чатоқ экан. Қўп ичади. Қўшнларининг айтишича, хотини жуда малоҳатли экан. Эрининг ичкиликка муккасидан кетганига чидай олмай, болаларини олдига солиб кетиб қолганимиш. Буни Ёқуб Дархон ўзи кўрмаган. Маҳаллага яқинда кўчиб келган. Шунга биладики, Дамирбой ҳайҳотдай ҳовлида Тўрткўзи билан яшайди. Баъзан ит кўчада қолиб кетади. Темир дарвозани тирноқлари билан гиртиллабти тирнагани-тирнаган, очолмай йингигани-йингишган. Тун бўйи Ёқуб Дархон буни зшитиб ётади. Қолбасаларни шунга илчиди.

Тусмоли тўғри чикди. Дарвоза бўсағасидан ҳатлаши билан кўзлари қоразулқудай ялтираб ётган Тўрткўз оёқларига қўйиб ётган бошини кўтарди, қулоқлари диққайди, Ёқуб Дархон томонга қия боқди. Дамирбой бош оғриғини босгани шерик излаб кетган, шекилли, кўк зшик тақа-тақ берк. Бошқа қунари уйда бўлса, темир зшик қия очик туради. Тўрткўзнинг ўзи уни тимдалаб-тимдалаб ичкарига кириб олади. Хуллас, аҳвол шу.

Ёқуб Дархон қўлидагини итга кўрсатиброқ ўз дарвозаси ёнидаги арчанинг остига ташлади. Тўрткўз дарҳол ҳид олди. Аммо емакка интилмади. Аввал ўрнидан туриб керишди. Сўнг ер остидан арча томонга ўричча тикилди, мўлжал олди. Ёқуб Дархон сезмагандай нарилаб кетаверди. Аммо кўз кири билан итти кузатишда давом этди.

Бу ҳол ҳар кунни бўлмасе-да, ҳар замонда тақролла-ниб турди. Бора-бора хонадондагилар овқат қолдиқларини таниш арча остидеги ялоққа сола бошлашди. Тўрткўз ҳам тун бўйи йингишмайдиган, бира-тўла кўчанинг бери томонига, унинг эшиги ёнидаги арча соясиде кун бўйи узала тушиб ётадиган бўлди. Ҳатто невараси Зоҳидахон ётоқаравачасининг эски тўшагини итнинг остига солиб қўйибди.

Бир кунни тунда у ташқарида, афтдан Дамирбой бўлса керак, ким биландир хирхирлаб галлашгаётганини зшитди, ўрнидан туришга эринди. Аммо бу сирли суҳбат деразасининг шундай тағида бўлаётгани боис унга тинчлик бермади. Пардани ним тортиб қаради, кўча чироғи ёруғида кўрди - Дамирбой арча остиде тиззалаганча итининг бўйиндан қучоқлаб, пешонасини унинг бошига тираб гулдирарди:

- Чопоқ, Чопоқвой, нега бундай қилдинг? А? Энди битта ўзим қоламаними? Ҳи. Кимга дардини айтаман-а, кимга? - У унг қўли билан Тўрткўзнинг мангалини қашлай бошлади. Тўрткўз орқа оёқларига тиралиб, бошини эгиб олди. Шу туришда у изза бўлган одамга ўқшарди. - Хотин жафо - ит - вафо, дейишган-ку, қани вафо қилганинг, Чопоқ, қани, - дедди Дамирбой унга гапини ўқитишда давом этди. - Зули кетди, хиёнат қилди менга, билдинг, хиёнат, менсимади, ўзичи-ўзи, очикчасига ўтди-ку, ичармишман, ичаман, қуйдиргандан кейин ичаман-да, тўғирим, ҳой, мен эркаман, эрка! Ҳалиям бир жойидан ёриб ташламаганимга шукр қилсин, билдингми, шундай, сенга маза, Чопоқ, зшитаясанми, кўрасан, зшитасан, гапирмайсан, холос. Аммо мен, аммо... - Унинг ҳўрлиги келди чоғи, итти қўчганча бироз жимиб қолди, сўнг "ах", деди чўқур ҳўрсиниб, - болалар ҳам кетди, ҳаммаси кетди... - у энги билан кўз ёшини артиб, қўлини яна итнинг бўйнига ташлади. - Тур, сен кетма, Чопоқвой, ташлаб кетма мени, турақол, кетамиз. Тур, - деди ялиниб.

Дамир итнинг бўйиндан қўлини олмай қаддини ростлади. Унинг туришини кутди. Бир оздан сўнг Тўрткўз ҳам турди. Улар изма-из, бир-бир босиб, қарама-қаршидаги кўк зшиқдан қоп-қоронғи ҳовлига кириб кетишди.

Ёқуб Дархон шу алфозда анча туриб қолди. Тўшагинга қайтганида ҳам уйкуси келмади. Тушида болалари боғ талашган чолни кўрди. У ити билан боғ оралаб кетиб борарди.

ҲИКОЯ

# КЎНГИЛ БАЙРАМЛАРИ

**Дунёда байрамлар кўп. Мен ҳаётимда байрамларга кўп дуч келганман. Лекин умрим давомидаги энг гўзал байрамлар Ёзувчилар уюшмасидаги, дорилфундуаги, Талабалар шаҳарчасидаги мушоиралар, устоз шоирлар билан танишган кезларим, шоир дўстларим билан тонготар шеър ўқишган дамларимдир.**

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Университетнинг журналистика факультетида биринчи курсда ўқитган кезларим. Шоир Назар Шукурни излаб талабалар шаҳарчасидаги 4-ётоқхонага тез-тез бориб тураман. 4-қават, 103-хона. Бу Назар Шукурнинг хонаси. Ижодкор ёшлар тез-тез тўпланиб турадиган жой. Навбатма-навбат шеър ўқиймиз. Мирзо Кенжабек:

**Ўзбек кўп курраи заминда, аммо Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ** — деган машҳур шеърини ўқийди. Шоир Одил Хотам ҳам шеър ўқийди. Мен ҳам шеър ўқийман. Назар ака дўстига "Намоз, сиз жиддий тинглаб. Унгача мен чой дамлаб келаман", деб чиқиб кетади. Шеърларим Намоз акага ёқмайди. "Ҳаммаси Абдулла Ориповга таклид", дейди у. Хафа бўламан. Иккаласи кўнглимни кўтармоқчи бўлади. Яхши шоирларнинг шеърларини кўпроқ ўқинг, дейди. Хўп, дейман. Рауф Парфини ўқингмиш? Йўқ, дейман. Назар Шукур "Шеър ёзишни Рауф акадан ўрганиш керак", дейди. Рауф Парфини номини энди эшитиб туришим. Қишлоқдан яқинда келганман. Назар акадан унинг китобини сўрайман. Опоқ қоғоздан муқова билан қопланган китобчани беради. "Хотирот" — бу шоирнинг 1975 йилда чоп этилган шеър тўплами. Уйга қайтиб ўқишга тутанаман. Ажойиб шеърлар. Шулардан бири XX аср япон классик шоири Исикава Такубоку тилидан айтилган. Бор-йўғи беш сатрли шеър:

**Ҳасратимнинг Суюқ тошларидан Даҳма қурмоқчиман Ўзимга. Ичда ўз жасадим бўлсин.** Шу шеър сабаб менда япон адабиётига қизиқиш уйғонди. Нафақат мен, менга тенгдош кўп ижодкорларни япон адабиётига, шу билан бирга, жаҳон шоирлари ижодида қизиқтирган Рауф Парфи эди.

"Хотирот"дан яна бир шеър: **Яна тонг. Тонгда эриб кетди Кеча. Уйқусини қувиб қўчининг Автоллар шовқин солиб кечар. Дунё сўраримиз сендан, Дўстим, шу дақиқа. Шунчаки, тонг нафаси янглиг Табассуминг керак Фақат.**

Ажойиб шеър. Бунақа шеърни аввал ҳеч ўқимаганман. Яна хотиралар... 1980 йил 26 февраль Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида Назар Шукурнинг "Қўқдаги умр" деб номланган илк шеър тўплами кўлэмаси муҳокамаси. Ўша кун у билан бирга яна учта шоирнинг шеърлари муҳокамага қўйилган эди... Одамлар анчагина эди. Муҳокама жуда

да қандайдир йиғин бўлди. Адашмасам, бу 1985 йил шеърятига бағишланган муҳокама эди. Ўша пайтлар Ёзувчилар уюшмасида шеърят, наsr ва бошқа жанрда ёзилган асарлар бўйича йиллик мукофотлар таъсис этилган эди. Муҳокама сўнггида ўша мукофотларга лойиқ топилган ижодкорларнинг номи эълон қилинди. Шеърят бўйича Ҳамид Олимжон номидаги мукофот Рауф Парфига берилганлиги ҳаммамизни хурсанд қилди.



Суратда: (чапдан) Рауф Парфи, Шукрулло, Туроб Тула ва Аҳмад Аъзам.

Яна бир хотира. 1985 ёки 86 йил бўлса керак. Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида қандайдир байрам муносабати билан мушоира бўлиб ўтди. Уни бир машҳур шоиримиз бошқариб борди. Шоирлар бирин-кетин шеър ўқийди. Залда ўтирган мухлисларнинг таклифи билан Рауф Парфига сўз берилди. У минбарга чиқиб, "Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон" деган шеърини ўқиди. Чўлпоннинг "Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?" деган сатрини эпиграф қилиб олганини айтиб, кейин шеърни ўқий бошлади. Зал сукут ичда қолди. Ҳамма хайрат билан тингламоқда. Рауф ака шеър ўқиб бўлгач, жойига келиб ўтирди. Мушоирани бошқариб бораётган машҳур шоиримиз бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг: "Бу нима деган гап, ҳамма юлдуз бу томонда деб ўша томонга юрса, бу киши, йўқ, юлдуз бу томонда эмас, деб бошқа томонни кўрсатмоқчи бўлапти. Буни бир уйлаб кўриш керак", деган сўзларни айтди. У бу гапларни ўша давр сиёсатидан чўчиб ўзини ҳимоя қилиш учун айтганини кўпчилик сезиб турарди. Чунки бу пайтда Чўлпон ҳақида, миллатнинг қисмати, тақдир ҳақида бундай очиқ сўзлаш мумкин эмас эди. Рауф Парфи шуни билган ҳолда кўркмасдан, у ҳақда шеър ўқиди. Бу шоирнинг жасорати эди.

...1990 йил 14 апрель. Чироқчи туманида шоир Назар Шукурнинг хотира кунини ўтказиладиган бўлди. Унда иштирок этиш учун бир гуруҳ қалам аҳли автобусда йўлга чиқди. Ўшанда шоирлардан Носир Муҳаммад, Мирзо Кенжабек, Чори Аваз, Муҳаммад Ражаб, Музаффар Аҳмад ва яна кўпчилик бўлиб Чироқчига бордик. Туман маданият уйида шоир хотирасига бағишланган анжуман ниҳоятда яхши ўтди. Уни шоир Носир Муҳаммад бошқариб борди. Сўзга чиққанлар шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлаб беришди, унинг шеърларидан ўқиди. Шунда қизиқ бир

ҳолат рўй берди. Хотирлаш маросими охирида қолган эди. Бир пайт кутилмаганда кимдир "Рауф Парфи келибди", деган эди, ҳамма бирдан эшик томонга қаради. Рауф ака қашқадарёча бир тўни кийиб олган ҳолда эшик олдидаги одамлар орасида ичкарига кирмасдан жимгина тинглаб турган экан. У қачон келганини ҳеч ким сезмаган.

...1992 йил баҳор ойлари эди. Ёзувчилар уюшмасининг Туроб Тула кўчасида жойлашган янги биносининг 5-қаватида ёзувчи Шукур Холмурзаев билан учрашиб қолдим. Шукур ака: "Бердивой, Рауф аканингизнинг хонаси қаерда? Қўрсатсангиз", деди. Юринг, дейман. Бирга Рауф

аканинг хонасига кирамиз. Ўзбекининг икки буюқ, фидойи фарзанди қучоқ очиб кўришди. Иккаласи узоқ гурун қилишди. Мен эса жим тингладим. Гурунглари адабиёт, шеърят ҳақида эди. Шунда Шукур ака: "Рауфжон, сизнинг бир шеърингизни жуда яхши кўраман. Бахтиёрлар ва бахтсизлар ҳақида бир шеърингиз бор-ку, ҳозир-ҳозир мана эсладим", дея шеърни тўлиғича ўқиб берди:

**Қорлар ёғди. Қиздирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ Ўзи билан ўзи овра Бахтиёрлар бермади жавоб. Қорлар босди. Қуйдирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ Ўзи билан ўзи овра Бахтсизлар ҳам бермади жавоб.** 2005 йил март ойининг ўрталари эди. Шоир Чоршаев ака телевидениедан мен ҳақимда кўрсатув тайёрлаш учун бир гуруҳ ходимлар билан уйимга келди. Тасвирга олиш ишлари тугагандан сўнг, Чоршаев ака менга: "Вақтин-газ қандай, устозни бир кўриб келмаймизми?", деб қолди. Рауф аканинг бегоб ётганини эшитган эдим, лекин яшаш жойини билмаганлигим учун хабар ололмаганим. Йўлга чиқдик. Шоир яшаватган жой қўйлик томондаги қандайдир бир ўқув юртининг ётоқхонаси экан. Ичкарига кириб, Рауф акани озиб кетган бир ҳолда кўрдим. Устоз яқинда инсульт бўлган экан. Буни билмаганим. Унинг ранги бироз оқарган, ўзини хали унглай олмаган эди. Қисқа бир сўхбат қилдик. Хайрлашаётганимизда, устоз ўрнидан турди. Қучоқлашиб хайрлашдик. Нимагадир ўша пайти кўзим ёшга тўлиб кетди. Бу бизнинг энг сўнгги учрашувимиз эканлигини билмасдим. "Кўзимнинг иссиғи — хотира" деган эди бир шеърда Рауф Парфи. Дарҳақиқат, устоз ҳақидаги бу хотира-лар кўзимнинг иссиғи ва қалбимизнинг қўри бўлиб идрокимизда абадий муҳрланиб қолди.

Берди РАҲМАТ

## ХОТИРА ТАДБИРЛАРИ

# БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

27 сентябрь кунини Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи таваллудига 78 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Нуроний" жамғармаси вакиллари, адабиётшунос, ёзувчи-шоирлар, журналистлар ҳамда шоирнинг оила аъзолари ва яқинлари Минор қабристонига бўлиб, марҳумни хотирладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давом этган тадбирда Рауф Парфи ижодининг ўзига хос жиҳатлари алоҳида таъкидланиб, унинг инсоний фазилатлари билан боғлиқ хотиралар ёдга олинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид юртимизда кечаётган бугунги ислохотлар, ижодкорларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳақида тўхталар экан, уюшма томонидан айна пайтда Рауф Парфининг сайланмаси нашрга тайёрланаётганини маълум қилди. Дадахон Ҳасанов эса шоир билан биргаликда ўтган талабалик йилларини хотирлади. Унинг адабиётга, шеърятга бўлган меҳри ҳақида сўзлади.

— Рауф Парфи сўзининг ранг ва оҳанглиридан, бадиий тасвир воситаларидан ўзига хос услубда фойдаланган, — деди Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев. — Шу боис, унинг шеърлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий номи эсланганда Фурқат, Муқимий, Завқий, Собир Абдулла, Сайфий, Хуррам каби мумтоз шоирлар кўз олдимизга келади. Дастлабки машқларини Муқимийнинг дўсти — Қори Зокир назардан ўтказган Ҳабибийнинг илк шеърлари пишқиб ва ўйноқлиги билан ажралиб туради:



**Бормукин оламда сендек дилкашу хушёр ёр, Ришта жон зулфинг ичра бўлғали хуштор тор.**

Ҳабибий домланинг йигирмага яқин шеър тўплами чоп этилган. Ижодининг гултожи бўлган "Девон"и 1971 йили чиққан. Ундан аруз билимдонининг 60 йиллик ижоди маҳсули бўлган шеър ва фазаллари ўрин олган.

Вафотидан 41 йил ўтиб "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан шоирнинг "Диёримсан" номли китобининг чоп этилгани юзлаб фазаллари қўшиққа айланган Ҳабибийнинг сўзи ҳам, ёрқин сиймоси ҳам адабиёт илхосмандлари қалбидан мустаҳкам ўрин олганидан далolat.

Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийнинг "Диёримсан" китоби тақдиротида иштирок этган академик Наим Каримов, адиб Муҳаммад Али ва бошқалар шоирнинг инсоний фазилатлари, ижоди ва ўзбек адабиёти равнақида қўшган ҳиссаси ҳақида алоҳида тўхталдилар. Эл севган санъаткорлар Ҳасан Ражабий, Хайрулла Лутфуллаев, Гулбаҳор Эрқулова, Аҳмаджон Дадабоев томонидан шоир фазалларига бағишланган қўшиқлар ижро этилди. Тадбирда шоир-ёзувчилар, олимлар, таниқли санъаткорлар, шоирнинг оила аъзолари ва яқинлари иштирок этди.

Шухрат АЗИЗОВ

## КИТОБИНИГИНИ ЎҚИДИМ

Таниқли шоир Ахтамқулининг "Исмингни юракка яширдим" номли шеър тўплами мутлаасига киришган онимдан мана шу сатрларни эсаётган пайтима дову теграмда фақат «соғинч» сўзи айланди. Айлана-айлана кўнглимдан жой олди. Иштирдимдан ташқари бир ҳол ва равиш билан китобга ёзилаётган ўнгсўз бошига чиқиб олди.

Алҳол, ҳақиқий шеър оптимизм, турмуш лаззатлари ичра хурсандлик, саодатбахш лаҳзаларидан фараҳланиш эмас. Асл шеър — изтироб соғинчи. Чин шоир изтироблар соғинчи ичра ўртаниб ижод қилади.

Одатда турмуш ташвишлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган одамлар соғинчга оид ҳамма нарсани, ҳатто Яратганининг соғинч дарахти илдизига ҳаёт бахш этгич тенгсиз неъмат — улугвор йиғини ҳам унутиб қўядилар. Аммо бу туйғу шоир кўнглида яшаб қолади, шоир кўнглидан ўчмайди. Негаки, шоир барча замонларда унутилган соғинчлар хазинабони, унутилган соғинчлар посбони бўлиб келган. Шу вазифасини унутган, ундан воз кечган ёки орланиб юз ўнгирган барча шеър даъвогарлари аслида ҳам даъвогар макомидан юқори кўтарила олмайдилар.

Пайти келганда чин шоир юрагида ортмоқлаб юрган хазинасини очади ва бани башарга соғинч улашади...

**Китобимни белаб нурга ҳисоб дунёсига бордим, Ҳасаддан холи бўлган**

— деган сўзларни битатиб шоир Ахтамқули бир фазалида. Изтироб ва соғинч залворидан майишган сўзлар фазал сўмоқлари аро одимлар экан, бир-биридан қўл узишга кўрқадди. Оқибат кофиялар кофияларга улашиб кетадилар: «ҳисоб дунё-



сига бордим... изтироб дунёсига бордим...». Фазалнависликка хос бу ҳодисани шеършунослар «кўшқофия» дейди. Бу шоирнинг маҳоратидан дарақ. Шеършунослар шу билан гапни тугатадилар. Гўё шеър ва шоир олдидаги қарзларидан узилгандек енгил тортадилар. Воқеан, гап шу билан тугайдиган бўлса, нега бу каби изтиробли туйғу экилган қоғозда кўшқофия унди?..

Бизнингча, вазн, рух, қофия каби илмий истилоҳлар биргина шакл ҳодисасининг ифодаси эмас.

# СОҒИНЧ САТРАРИ

Қофия қофияга шунчаки қўшилмайди. Уларнинг қўшлашувига изтироб босими сабаб бўлади. Зотан, қофия яқна ҳолида бу изтиробни кўтара олмайди. Чунки бу изтироб соғинч изтироби — изтироб соғинчи. Шу боис шоир ҳасад ва нафс гавғосидан қочиб изтироб дунёсига борганини алоҳида таъкидламоқда:

**Юракдан ишқ ёғилган кун, югурдим тентираб дилҳун, Келиб кўнгли тилар мажнун, хароб дунёсига бордим...**

Кейинги байтида шоир кўшқофиялар маржонини бутун байт бўйлаб тизади. «Кун», «дилҳун» сўзларига «мажнун»ни қофия қилади. Шу тариқа мозийга эврилиб, изтироблар султони, соғинч дивернинг эр-каси Мажнунни ёдимизга солади. Дарҳақиқат, мажнунлар салтанати зоҳиран харобот, харобот ботинида эса соғинч хазинаси кўмилган. Байт маъносини эса соғинч ҳиссини унутмаганларгина тушунадилар.

Бошқа бир фазалида шоир айна туйғуларини реал воқеликка, ўз шахсияти ва замонасига кўчир-

ди. Кучириганда ҳам шунчаки эмас, образли усулда кўчиради:

**Дард сочиб тургай менинг бошимда тоғу тошларим, Кетдилар ташлаб ҳамма дил боғлаган дилдошларим. Тун қувончим қамчилайди, қалтирар қошимда шам, Бар сиқим тупроқни деб қон йиғлагай қондошларим. Ўйнашар кўнглим билан йўлимга кўз тиккан лаин, Тентираб кетмоқдадир, дунё тилаб сирдошларим.**

Нега улугвор тоғлар лирик қаҳрамон боши узра «дард сочади»? Нега тун унинг қувончларини ал-

лалаш ўрнига «қамчилайди», нега иблиси лайъин кўнгли билан ўйнашади? Жавоб яна ўша — соғинч. Зотан, кўнглига яқин дўстлар, қон-қардошлар, сир бериб, сир олган сирдошлар уни ташлаб кетишган. Улар кетган дунёга соғинч отли улловдан бўлак ҳеч бир уллов билан бориш мумкин эмас. Бу уллов суворийси лирик «мен» эса дудам тигли айрилиқ жафосини чекишга маҳжун.

Шоир туғишган укасига бағишлов ўлароқ ёзган бошқа бир шеърда соғинч ва изтироблари сувратини янада аниқроқ чизади.

**Тоғларимни соғиниб дил бўлди қон, отамга айт, Кўзларимдан кетмаган булбулзабон отамга айт.**

**Мункайиб кўз нурию умрин йўқотганларга боқ, Айрилиб дунёсидан чолгай чунон, отамга айт.**

**Кўмилиб кетди Карим мергани кўна милтиғи, Охулар оҳ чекмағай бундан бўён, отамга айт.**

Ҳар байт сўнггида радиф ўлароқ келган «отамга айт» ибораси лирик «мен» соғинчининг мангулигига далолат қилади. Чунки ўзим шахсан таниган, йимон-диёнагли, нуроний, навоийхон, машрабхонлиги билан кўнглиларни ром этган шоирнинг отаси ҳам, Шотирўд тоғларида чўпонлик овчилик билан шуғулланиб бола-чақа боққан, ўзи охулар жонини олган бўлса-да сўзга жон солган ширтабиат бобоси — Карим мерган ҳам, мушфиқ онаси ҳам энди бу дунёда йўқ, Улардан ёлғиз соғинч ва соғинч бергич изтироб қолган, холос.

Шу боис шоир кўна дунё сирларини кўравериб юзларига доғ тушган оймомо билан диллашади. Соғинчларини унга изҳор этади:

**Саволинга жавоб топмай бошим қотди сўроқчи ой, Юрагимнинг ҳаловатин ўғирлаган ўроқчи ой.**

**Сомон йўли, сомонимни, сочди фойда зиёнимни, Юлдуз тўла осмонимни**

Айна пайтда, ушбу китобдан Ахтамқулининг қатор бармоқда ёзилган шеърлари, бир балладаси ва таржималари ҳам ўрин олган. Ўқувчини изтироб лаззатида бебахра қилмаслик мақсадида буларнинг ҳаммаси хусусида батафсил тўхталиб ўтирмаймиз. Бир-икки бармоқдаги шеър тавсифи билан сўзимизни мухтасар қиламиз:

**Нимани яширдинг, айт, Ниҳондара?! Бобомнинг кафтита муздади тупроқ, Сочини ҳалослаб ёйган шаршара, Харсанглар измидан кетолмас йироқ.**

Шеърхон кўнглида «нега» саволинни уйғотган шеъринга ҳақиқий шеър бўлади. Чунки ўқувчи шу «нега» ортидан юриб, бепойёن поэзия салтанатига кириб боради. Бу салтанат сир-синоатларини англашга, ҳис этишга киришади. Энди унинг учун орқага йўл қолмайди. Файриштирий тарзда шу салтанат фуқаросига айланади.

Шамол чайқатаётган, қурбақалар сайраётган кўна ҳовуз ҳолатида ким фалсафа, лирика нафасини ҳис этади? Ким бу каби содда, қалби сўниқ одамга жунгина кўрнанидан табиат ҳодисасида фазллар симфониясини кўра олади? Албатта, шоир!

**Қурбақалар куйлар, рақс этар ҳовуз, Ёзни қузатишга ошқар шамол. Пахтазор оралиб келаяпти куз, Сўроққа айланиб қолади ҳиллол...**

Бу тўртликнинг бутун кучи, ижтимоий аҳамияти «сўроққа айланган ҳиллол» ташбеҳида ҳалди аълосига етади. Сўроққа айланган ҳиллол ортидан эргашган ўқувчи заҳматкаш ўзбек халқи кўнгли тубида сақлаб келаятган минг йиллик қувонч изтироблар, қалбида мафдун сир-синоатлар, орзу-армонлар оҳангини кашф этади.

**Тунлари ой билан диллашган, Тупроққа куйиниб сирлашган, Бир умр ўт билан тиллашган, Онамни соғиндим, онамни...**

Кундалик турмуш ғалвалари ичра яшаватган одам кўп ҳолларда ўз соғинчи, изтироби ва йиғинини қалб тубида яширишга мажбур. Чунки у таъна-дашномларга қолишдан, «ижтимоий одам»лик рутбасини йўқотишдан қўрқадди. Фақат чин шoirгина бу рутбани бой беришдан чўчимайди. Чунки у ўша «ижтимоий одамлар», ўша музаффарлар пана-панлага ўтиб шеърларини ўқини, соғинган оналарини эслаб кўз ёш тўкишини билди. Шоир дарди шу тариха умум дарди, миллий-ижтимоий дард ифодасига эврилиб боради...

Гапираман десак гап кўп. Илло, шеър ҳақида айтилган ҳар қандай гап унинг зидди томон қўйилган ўшовсиз қадамдир. Шеър ўзи ҳақида ўзи гапиради. Ўзини ўзи шарҳлайди, тахлил этади. Шундай экан, муҳтарам ўқувчи, шеър ҳақида ёзилган сўзларни эмас, шеърнинг ўзини ўқинг.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ, филология фанлари доктори



# ТАНЛОВЛАРДА ТАНЛАНГАНЛАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган "Аёлга эҳтиром" республика ижодий танлови якунланди. Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялайдиган, маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, ижтимоий ҳаётдаги ютуқларимизда аёлнинг, мўтабар онанинг хизматини ёш авлод қалбига чуқур сингдирадиган, 2018 — 2021 йилларда нашрдан чиққан шеърӣ асарлар, дostonлар учун бир гуруҳ ижодкорлар рағбатлантирилди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин "Ватанга бахшида умр" ва "Она ҳақида кўшиқ" дostonлари учун Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқовага берилди. Муҳиддин Омон "Ўртамизда ишқнинг гулхани" шеърӣ тўпламидаги аёлга бағишланган туркум шеърлари учун, Ахтамқули "Исмингни юракка яширдим" шеърлар тўпламидаги она ҳақидаги туркум шеърлари учун иккинчи ўрин соҳибига айланган. Дилбар Ҳайдаровага "Тожмаҳал" дostonи учун, Замира Иброҳимовага "Кўз-мунчоғим" шеърӣ тўпламидаги она ва бола ҳақидаги шеърлари учун, Зикрилла Неъматга матбуот нашрларида чоп этилган аёлларга бағишланган туркум шеърлари учун учинчи ўрин берилди. Лайло Шарипова "Дардини енгиб" дostonи учун, Ашуралӣ Боймуродов матбуотда нашр қилинган, Гулбахор Жумаева "Сийҳранг оҳани" шеърлар тўпламидаги, Очил Тоҳир "Вақт ушоқлари" китобидаги онага, аёлга бағишланган туркум шеърлари учун рағбатлантирувчи мукофотларга лойиқ кўрилди.

Бир гуруҳ ижодкорлар собиқ мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндalarининг,

оддий касб эгаси бўлган минглаб юртошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, улар жасорати ва матонати мисолида ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ижодий ишлар учун эълон қилинган танлов голиблигини кўлга киритишди.

Хуршид Дўстмуҳаммад "Юз йиллик қотиллик қиссаси" номли тарихий-ҳужжатли қиссаси учун биринчи, Шеркун Қодирӣ "Дийдор қиёматга қолса нетай" асарӣ ва Сирожиддин Аҳмедов қатагон қурбонлари ҳақидаги бир туркум асарлари учун иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Абдуқайюм Йўлдошев "Жадид" қиссаси, Саттор Тожибоев "Ниқобланган разолат" ҳамда "Кремнинг қалтис ўйини" номли бадиий-ҳужжатли асарлари, Исматилла Йўлдошев (марҳум) "Махфӣ маҳкама ёхуд... қонунсиз қамалганлар" қиссаси учун учинчи ўринга лойиқ топилди. Фаррух Жабборов "Абдулла Қодирӣ" номли бадиий-публицистик фильм сценарийи учун, Юсуф Норов "Саққизинчи ўқ ёхуд қатагон қизининг қисмати" ҳикояси ва Абдулҳай Носиров қатагон қурбонларига бағишланган шеърлари, Жўра Фозил "Очиқ эшиқлар" ҳикояси ҳамда Фозил Фарҳод "Абдулла Қодирӣ"



Шеърӣ учун рағбатлантирувчи ўринларни кўлга киритди.

Тақдирлаш маросимида танловлар голиблирига Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

масининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шухрат МЕНГИЙЕВ

## КЎНГИЛ МИНТАҚАЛАРИ

### ҚАЛАМ

Уни чўлтоқ, деймиз ва изи қаро,  
Хатти батлон чизиш, деймиз, унга ёр.  
Лекин буқаламун бу олам аро,  
Шўрликнинг бир юзи, бир оёғи бор.

Демагил у нима, демагил у ким,  
Барчага қарайди бир сиеқ билан.  
Бир имзо билан у чиқарар ҳукм,  
Дунёни забт этар бир оёқ билан.

### ОҚ ВА ҚОРА

Борлиққа теранроқ агар қарасанг,  
Неки бор осмонга кўйилган тиркаб.  
Фақат оқ ранг бору фақат қора ранг,  
Ё ҳаёт, ё ўлим дегандай бир гап.

Қора кўланкалар пойлоқчи нозир,  
Оппоқ паривашни кўрганнинг замон.  
Васлниинг олдида бўлади хозир,  
Қора либос кийган ялмоғиз ҳижрон.

Бошқа ранг қидирма, қора, оқ қидир,  
Икки ранг дунёда, йўқ ўзга чора.  
Ҳазрати одам ҳам фақат иккидир,  
Ё кўнгли оқ бўлур, ё кўнгли қора.

Умр дарё каби тезкор оқди-ку,  
Охири қайдадир муҳкам, бетайин.  
Ҳаёт-мамонт ўзи қора, оқдир-ку,  
Ҳаёт борми, дейсан ўлимдан кейин.

Гул фаслга қараб гулласса, сўлса,  
Эртанги кун ғамин керакмас емак.  
Қора рангдан кейин оқ келар бўлса,  
Ўлимдан кейин ҳам ҳаёт бор, демак.

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Юрганим йўқ хурлар қатори,  
Жомга майни куйишдан олдин,  
Тутдан дашти жумнинг дутори,  
Найқамишдан най қилиб олдим.

Жом лабига лаб босдим кейин,  
Кейин ўзга ранг-тус олди иш.  
Тут ингради бир телбадайин,  
Нола қилди намчил найқамиш.

Кейин кулди йиғлоқи жаҳон,  
Қиш ўрнини эгаллади ёз.  
Гулдор белбоғ очилдастурхон,  
Учар гилам оддий яқандоз.

Кейин кўкда йиғладим хўнграб,  
Сано айтдим само номига.  
Чўқиштирдим жомимни, ё Раб,  
Жалолiddин Румий жомига.

Хайр, энди кечиргин мени,  
Манзилингга омон ет, дединг.  
Хотирандан учиргин мени,  
Мендан кўнгул узиб кет, дединг.

Хотирамдан кетмадинг бир он,  
Бунга чора туза олмадим.  
Сенга кўнгул боғладим осон,  
Лекин кўнгул уза олмадим.

Сайфулла ҚУЛАЕВ

Тожикистон

## ЎЗУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ

Менинг ёшим етмишдан ошди. Халқона айтганда, уларим бўлган ёшдаман. Рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолисона тўғри баҳо бера оладиган даражада ҳаёт тажрибасига эгаман. Мустақил республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар яшашга иштиёқ уйғотади, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга чорлайди. Тинч замон, тоза осмонимизнинг ўзи беқиёс бахт. Халқимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар мўл. Мен яхши билганим адабиёт соҳасида фикр билдирмоқчиман.

Фарғона давлат университетини битирган, Қува туманидаги ўзим ўқиган 2-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан 44 йил дарс бердим. Адабиёт ва она тилимиз бола тарбиясида энг қудратли, тенги йўқ восита эканини амалда бениҳоя кўп синаганман. Ўқувчи Фурқатнинг "Фигонким", Муқимийнинг "Айрилмасин" каби газаллари шарҳлаб ўқилганда, Машраб, Насимий, Усмон Носирнинг фожиали ҳаёти билан танишганда йиғлагани ёки Саид Аҳмад, Азиз Носин ҳажвийларини ўқиб кулганига кўп гувоҳ бўлганман.

Мен Президентимизнинг 2017 йил 3 августда Ўзбекистон ижодкорлари, санъат аҳли билан бўлган учрашувида қатнашдим, маърузасини тингладим. Ватанимизнинг бугунини яратаётган фидойи, тадбиркор замонамиз қахрамонлари тимсолини яратишга чорлаб ижодкорларга номна-ном қилган мурожаатидан кучли таъсирландим. Мен халқ ичида, замон қахрамонлари билан ёнма-ён яшайман. "Ғуборли гуллар" романим кўзи оғизлар ҳаётини тасвирловчи, ёшларни илм олишга чорловчи асар. 2021 йилда чоп этилган "Анорзор маликаси" романим адирини ўзлаштириб боғ яратаётган замонамиз тадбиркор аёли ҳақида. Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги учинчи асаримни ҳам нашриётга топширдим.

Ҳозир ўзим ишлаган мактабга яна қайтдим. Кўп йиллик тажрибамдан билдимки, адабиёт болага ёш пайтида кучли таъсир кўрсатар экан. Битта асар мактаб ўқувчисига энг кучли, 30 ёшда ўртача, 40-50 ёшда паст тарбиявий таъсир кўрсатади. Кейинги ёшда мутолаа тарбиядан кўра кўнгул очиш, овуниш учун хизмат қиларкан. Шунинг учун мактабда ўқувчиларни адабиётга, китоб ўқишга, санъатга жалб этувчи маърифий-маданий ишлар тарғиботчиси вазифаси белгиланиши жуда ўринли бўлди. Кўп сафдошлар қатори мактабда тарғиботчилик қиляпман. Бой тарихимиз, улуг адабиётимиз, олам тан олган даҳо алломалар ибратини ёш авлод онгига сингдириши ҳаётимизда энг муҳим, зарур, фойдали фаолият ҳисоблайман.

Нўмон МҮЙДИНОВ

Фарғона вилояти Қува тумани

## Таваллуд қилган



**Фарҳод Абдуллаев** — 1 октябрь (1957) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



**Аскаралӣ Акбаров** — 2 октябрь (1951) — наққош, Ўзбекистон халқ устаси.



**Маъсума Аҳмедова** — 1 октябрь — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



**Фахрииддин Низомов** — 5 октябрь (1961) — шоир, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



**Ҳалима Аҳмедова** — 1 октябрь — шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



**Валерий Енин** — 7 октябрь (1964) — rassом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

## Эълонлар

### БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ЙЎЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ КЎЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА МУТАХАССИС ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бош мутахассиси.  
Кўйилган талаблар: Маълумоти: Олий. Иш стаж: мутахассислиги бўйича камида 3-5 йил ишлаган.  
Қўшимча шартлар: компьютерда ишлаш саводхонлиги бўлиши шарт.  
Танловда қатнашиш учун диплом, маълумотнома (объективка) ва паспорт-нусахаси 2021 йил 1 октябрь кунига қадар [dux\\_direksiya@mail.uz](mailto:dux_direksiya@mail.uz) электрон почта орқали юборилиши ёки Бухоро шаҳри Оқ Масжид кўчаси, 8-уй ходимлар бўлимига топширилиши керак.  
Танлов комиссияси йиғилиши 2021 йил 4 октябрь кунӣ, соат 10:00 да Бухоро шаҳри, Оқ Масжид кўчаси, 8-уйда бўлиб ўтади.

### ЎЗБЕКISTON ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Муסיқали, драматик театр ва кино санъати" кафедрасига кафедра мудири (1), "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедрасига кафедра мудири (1), "Фольклор ва этнография" кафедрасига кафедра мудири (1), "Миллий кўшиқчилик" кафедрасига кафедра мудири (1), "Чолғу ижрочилиги" кафедрасига кафедра мудири (1), "Ахборот технологиялари" кафедрасига кафедра мудири (1), "Жаҳон тиллари ва адабиёти" кафедра-

сига кафедра мудири (1), "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасига кафедра мудири (1).  
Танловда иштирок этиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:  
1. Ректор номига ариза;  
2. Ишловчининг шахсий варақаси;  
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;  
4. Паспорт нусахаси;

5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);  
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусахаси;  
7. Меҳнат дафтarchасининг нусахаси.  
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.  
Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а"-уй.  
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11.



**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: [uzas.gzt@mail.ru](mailto:uzas.gzt@mail.ru)



Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:  
**imzo**  
akfa

Бош муҳаррир  
Салим АШУРОВ

Тахририятга келган кўлемлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.  
Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ  
Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА  
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адаби - 1180, Буюртма Г - 1044,  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223, 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КҮНЛАРИ  
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2383-634X  
772361614000

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42; Санъат бўлими: 233-56-40; Назм ва наср бўлими: 233-58-60.